

ПУБЛИЦИСТИК МАТНДА МАЗМУН ИФОДАСИ

Абдуназарова Н. (СамДЧТИ)

Кейинги йилларда тадқиқотчилар эътиборини ўзига кўпроқ жалб қилиб келаётган тил коммуникациясининг прагматик жиҳати мулоқот иштирокчиларининг юқори савиядаги кўшимча билимлари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги таъкидланмоқда. Аслият ва таржима тиллари ғайрилисоний омилларининг аксарият ҳолларда тафовут қилиши таржимондан чуқур лингвистик билимдан ташқари яна кўпгина бошқа фанлар, маданиятлар маълумотларидан ҳам хабардор бўлишини талаб қилади.

Тил белгиси бу сўздир. Сўзнинг прагматик маъносига унинг услубий хусусиятини кўрсатувчи яъни хис-ҳаяжонни ифодаловчи кўрсаткичи, коннотатив маъноси киради. Демак, таржимада прагматик талаб таржима матнининг аслият матни даражасидаги аниқлигини тақозо этади. Таржима билан боғлиқ қийинчилик прагматика, яъни услубий эквивалент бирликларининг танланиши билан бартараф этилади.


Тил белгилари ва улардан фойдаланадиган шахслар ўртасидаги прагматик муносабатлар шундан иборатки, бу белгилар, аниқроғи уларнинг маънолари айни шахслар учун аниқ ва тушунарли бўлиши, уларни маълум даражада таъсирлантириши керак [3 бет]. Ахборотнинг шу йўсинда талқин қилинишигина таржимада аслиятнинг коммуникатив таъсирчанлигини сақлаб қолади. Ҳар қандай тил белгиси одатда уч хил муносабатни ўзида мужассам этади. Улар семантик, синтактик ва прагматик муносабатлар бўлиб:

Семантик муносабат – тил белгисининг у англатадиган предмет билан алоқасини акс эттиради;

Синтактик муносабат – тил белгисини мазкур тизимга алоқадор бошқа белгилар билан боғлаб туради;

Прагматик муносабат – тил белгиси билан мулоқат жараёнида ундан фойдаланувчи шахслар ўртасидаги алоқани муайян қиладиган муносабатлардир [2 бет]. Шундай қилиб, тил белгиси семантик (денотатив), синтактик ва прагматик маънолари билан ажралиб туради.

Инглиз публицистик матнларининг асосий тузилмаси тескари пирамида шаклига эга. Яъни, мақоланинг асосий маълумотлари биринчи параграфда умумлаштирилган ҳолда берилган бўлиб, матннинг юқоридан қуйига қараб боришини англатади. Буни хусусан қуйидаги келтирилган расмга қараб билиб олишимиз мумкин (**Расм 1.**) :



Жуда муҳим маълумот


Унча муҳим бўлмаган маълумот

Расм 1. Публицистик матнларининг тескари пирамида модели

Воқеалар кетма кетлиги биринчи ўринда қўйилади, охирида эса деталлар ва дастлабки сабаблар кейинчалик бериб борилади. Мазкур тузилманинг асосий мақсади шуки, ўқувчининг эътиборини публицистик матннинг биринчи параграфига қаратиш учун муҳим маълумотлар келтирилади. Иккиламчи маълумотлар эса учинчи ва тўртинчи параграфларда таништирилиб борилади. Мазкур “тескари пирамида” пайдо бўлишида америкалик журналист ва ёзувчи Чип Сканлан шундай деб таъкидлайди: тескари пирамида тузилмасининг кўриниши телеграмманинг кашф этилиши каби 150 йил олдин пайдо бўлган. Хабарни узатиш жуда қиммат бўлган, журналистлар кучирмачилик услубидан қочишга ҳаракат қилишган ва натижада қисқартирилган янги услуб келиб чиққан [4 бет].

Тадқиқотга кўра, таҳлил қилинган мақолалар мазкур тескари пирамида асосида шаклланган бўлиб, унда фақат икки турдаги хронологик тузилма мавжуд. Шунини таъкидлаш лозимки, бу тузилма янгиликларни ёритувчи саҳифаларда жуда қулай усул ҳисобланиб, у ўқувчига маълум вазиятда ўзгараётган ўзгаришларни тезда англаш имкониятини беради.

Тилшунос Ван Дижк публицистик матнларни маъно ифодасига кўра таҳлил қилишда ўзи яратган иерархик шаклда келтирилган схемага кўра публицистик матн яратиш мумкинлигини таъкидлайди. Публицистик матннинг таркибий қисмлари турли категорияларга бўлинади (**Расм 2.**).



Расм 2. Публицистик матнларнинг иерархик категорияланиши

Қисқача баён публицистик матнни таништириш ва изоҳлаш мақсадида иккига бўлинади: сарлавҳа ва бошланма. Асосий воқеалар муҳим ахборот, маълумотларни ўзида қамраб олган, контекст, тарих ва олдин содир бўлган воқеа ҳодисалар асосий биринчи берилган маълумотга чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, публицистик матнларда мазмун ифодасининг табиий равишда акс этиши журналистнинг маҳорати ва қобилиятига боғлиқ, шунингдек, ўқувчини билим даражаси ҳам бунга таъсир этмай қўймайди. Агар мавзу сиёсатга доир бўлса, ёзувчи уни яхши ёритса, лекин ўқувчи мавзу нима ҳақида бораётганлигини, сиёсий шахсларни билмаса, албатта, табиийки бу ҳолатда мазмун ифодаси ўша ўқувчи учун йўқолади. Агар мавзу ўша шахс англай оладиган ва билган нарсалар ёки ҳодисалар ҳақида бўлса, унда ўқувчи мавзунинг мазмуни нима тўғрисида эканлигини илғаб олади.

Адабиётлар:

1. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. докт. дис. автореф. - Самарқанд, 2005. - 48 б
2. Найдов Б.П. Ещё раз о прагматическом аспекте лексического значения. – Исследования по романской и германской филологии. – Киев, 1977. 15-с.
3. K. Musayev. Tarjima nazariyasi asoslari. – Toshkent, 2005. – 60-93bet.
4. Van Dijk, Teun A.. *News as Discourse*. Hillsdale. New Jersey: Lawrence Erlbaum Associates. 1988, 56.